O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2005-yil • 20-oktabr • Payshanba • 130 (27.465) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Олий Мажлис ҳар иккала палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталари томонидан «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги „қонунлар асосида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш амалиёти» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

1984 йил 10 декабрда қабул қилинган Қийноқларга солишга ҳамда муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенцияни амалга оширишга қаратилган Тадбирлар дастурининг бажарилишини анжуман иштирокчилари халқаро нормаларни миллий қонун ҳужжатларига сингдириб бориш жараёнининг ёрқин тасдиғидир, деб таъкидладилар.

Йиғилишда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг мазкур Конвенцияни амалга оширишга доир таклифлари, фуқаролар мурожаатларига таллуқли қонун ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қўлланилиши масалалари, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилишга доир ишларнинг судлар томонидан кўриб чиқилиши амалиёти, шунингдек, прокуратура органларининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига риоя этиш борасидаги фаолияти муҳокама этилди. Баҳс-мунозараларда сенаторлар, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Ўзаро фикр алмашувлар пировардида фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларининг масъулиятини кучайтиришга, адвокатнинг дастлабки терговдаги ролини оширишга, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган аниқ тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Давра суҳбатида сенаторлар, депутатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва вазирликларнинг вакиллари, етакчи ҳуқуқшунос олимлар иштирок этдилар.

•••

2002 йилда қабул қилинган «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бажарилишини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини шакллантиришга доир, чиқиндиларнинг атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига зарарли таъсирининг олдини олиш, чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ҳамда уларнинг тўла-тўкис қайта ишланиши ва утилизация қилинишини таъминлаш имконини берадиган янада мусаффороқ ишлаб чиқаришлар ҳамда технологияларни жорий этиш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан «Ўзбекистонда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг миллий стратегияси ва ҳаракат режасини ишлаб чиқиш» мавзуида ташкил этилган давра суҳбатида шу ҳақда манфаатдорлик билан, қизғин баҳс-мунозара юритилди.

2-бет

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТ!

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА «ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ» (UZAGROEXPO 2005) ҲАМДА «ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ ЖИҲОЗЛАРИ» (UZPRODTECHEXPO 2005) ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ИШ БОШЛАДИ

Ушбу халқаро кўргазмада 30 дан ортиқ маҳаллий ҳамда Россия, Украина, Туркия, Дания, Малайзия каби қатор хорижий давлатларнинг фирма ва компаниялари қатнашмоқда. Уни ташкил этишдан кўзланган мақсад эса Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигидаги салоҳияти ва экспорт имкониятларини намойиш этиш, шунингдек, дунёнинг етакчи компаниялари ютуқларини машинасозлик, паррандачилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш ва бошқа соҳаларга татбиқ этишдан иборат.

«Ўзэкспомарказ» кўргазма залларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш технологиялари, совутгич ва музлатгичлар, савдо ва умумий овқатланиш жиҳозлари ҳам намойиш этилмоқда.

Шамсутдин БАСРИ, «Ancom crop care» компанияси вакили (Малайзия):

— Бизнинг компаниямизда асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун кимёвий препаратлар ишлаб чиқарилади ҳамда маҳсулотларимизнинг 50 фоизини четга экспорт қиламиз. Ўзбекистонга биринчи маротаба келдик. Келгусида Тошкентда ўз ваколатхонамизни очиш ниятидамиз. Мамлакатингизда қишлоқ хўжалиги яхши ривожланмоқда. Энг аҳамиятлиси, Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича дунёдаги етакчи давлатлардан ҳисобланади. Бизда эса пахтани турли хил ёввойи ўтлардан сақловчи, уларга қарши курашувчи препаратлар ишлаб чиқарилади. Ўйлайманки, бизнинг ҳамкорликдаги алоқаларимиз янада ривожланади.

Эльмар АГАЕВ, «Ростсельмаш» компанияси вакили (Россия):

— Ҳозирда «Ростсельмаш» қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган машиналар ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги етакчи компаниялардан биридир. Бу кўргазмага биз «Дон-1500Б» ва «Нива-Эффект» комбайнларининг янгиланган моделини олиб келдик. Ўзбекистон компаниямизнинг энг яқин ҳамкорларидан бири. «Янгийўл» машина-трактор парки икки йилдан бери расмий ҳамкоримиз ҳисобланади. Шу қисқа фурсат ичида мамлакатингизга 40 та янги машина етказиб бердик. Мақсадимиз — бу алоқаларни янада ривожлантиришдир.

Мазкур кўргазма Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Республика Савдо-саноат палатаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» ҳамда «Ўзқишлоққўжаликмашхолдинг» компаниялари ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Маъмуржон МАҲМУД, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: кўргазмадан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

21 ОКТЯБРЬ — ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун

ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИНИНГ КЎЗГУСИ

Ҳар қайси миллатнинг бор бисоти, чинакам маънавий бойлиги тил воситасида юзага чиқади. Атоқли маърифатпарвар Абдулла Авлоний: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурғон ойнаи ҳаёти — тил ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмоқ миллатнинг руҳини йўқотмоқдир», — деганида ана шу ҳақиқатни назарда тутган эдилар. Миллатимиз руҳини сақлаган ўзбек тилига Давлат тили мақоми 1989 йилнинг 21 октябрида берилди. Бу қутлуғ сана ўшанда жонажон Ўзбекистонимиз тупроғида эса бошлаган истиқлол эпкинларининг хуш хабари эди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ўтган вақт мобайнида она тилимиз ривожи йўлида жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилди. Аввало, вақт, ҳаёт тақозоси билан 1995 йилнинг 21 декабрида «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Ана шундан сўнг давлат тилининг ривожланиши учун янада кенг имкониятлар яратилиб, қонунни ҳаётга татбиқ этиш ишлари жадаллаштирилди. Бу саъй-ҳаракатлар, айниқса, таълим тизимида яққол кўзга ташланмоқда. Она тилимиз мавқеини ошириш, унинг нуфузи, бой имкониятларини тобора кенг тарғиб этиш мақсадида ҳар йили кўплаб анжуманлар, тадбирлар ўтказиляпти. Энг муҳими, истиқлол иноятн билан барча ташкилот ва идораларда иш юритиш ҳужжатлари ўзбек тилида олиб бориладиган бўлди.

Республикамиз вилоятларининг туман ва шаҳарларидаги кўплаб кўчалар, маҳалла ва гузарлар, мактабларнинг номлари янгиланиб, улар қадриятларимизга мос тарзда ўзгартирилди.

2-бет

«Пахта — 2005»

СИРДАРЁЛИК ПАХТАКОРЛАР ЗАФАРИ

Сирдарё вилояти пахтакорлари қабул пунктларига 248 минг тонна хомашё етказиб бериб, бу борадаги шартнома режасини бажардилар. Ҳосилнинг 87 фоизи юқори навларга топширилди. Ўтган йилларга нисбатан ҳосилдорлик 6,6 центнерга ошди. Сайхунобод, Гулистон, Оқолтин туманлари пахтакорлари ҳар гектар майдондан 25-30 центнердан ҳосил олиб, ушбу ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, вилоят бўйича олинадиган даромад 64,2 миллиард сўмни, соф фойда 13,8 миллиард сўмни, рентабеллик даражаси эса 27,5 фоизни ташкил этмоқда.

Юртбошимиз Халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида, жумладан, вилоятда пахтачиликда юзага келган аҳволнинг туб сабабларини таҳлил қилиб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича ўз тавсияларини берган эди.

Танқиддан тўғри хулоса чиқарган вилоят меҳнаткашлари белни маҳкам боғлаб иш бошлади. Аввало, ишни тўғри ташкил этиш, барча бўғин раҳбарларининг масъулиятини ошириш, бепарволик, ўзибўларчилик каби нуқсонларга чек қўйишга киришилди. Вилоят бўйича 16 минг гектардан ортиқ ернинг шўри ювилди, 28 минг гектар майдонга яхоб суви берилди. Энг муҳими, 410 километр ички, 490 километр магистрал зовурлар, 300 километр магистрал, 2500 километр ички каналлар ва 318 километр ёпиқ дренажлар тозаланиб, 21 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Мавжуд 115 минг гектардан зиёд майдонга пахтанинг Сирдарё иқлимига мос, эртапишар «Ан-Боёвут» нави қисқа муддатларда экиб тугалланди. Уруғлик чигит, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ва маҳаллий ўғитлар ўз вақтида дала бошига етказиб берилди. Ғўза яганаси, культивация, ўғит бериш, суғориш, чилпиш, ғўза қатор ораларини бегона ўтлардан тозалаш ва ғўза зараркунандаларига қарши биологик кураш, ғўза баргини сунъий тўктириш каби барча агротехник тадбирлар ўз вақтида сифатли амалга оширилди.

Пахта йиғим-теримига ўтган йилгидан икки ҳафта олдин киришилди. Ҳосил йиғим-теримига 175 минг нафардан зиёд ҳашарчи ва ёрдамчи жалб қилинди. Етиштирилган ҳосилнинг 98 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келди. Вилоятдаги 6 минг 510 та фермер хўжалигидан 5 минг 200 таси шартнома режасини ортиғи билан уддалади.

Вилоят пахтакорлари йил бўйи қилинган меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай йиғиштириб олиб, ҳосилдорликни яна 2-3 центнерга ошириш йўлида меҳнат қилмоқдалар.

Дилором ЭСОНОВА, ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

ҚОРОНҒУДАГИ ҚОРА НИЯТЛИ «ЙЎЛОВЧИЛАР»

Бир ойдан бери Ўзбекистон Республикаси Олий судида 12-13 май кунлари Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари иштирокчилари ҳисобланган 15 нафар айбланувчи устидан давом этаётган суд жараёни турли миш-мишларга, тахмину туҳматларга аниқлик киритмоқда. Жамоатчилик Андижонда қандай воқеалар содир бўлганлиги ҳақида бевосита айбланувчи ва жабрланувчилар, фуқаровий даъвогар ҳамда гувоҳлар кўргазмалари орқали маълум бир хулосага келишаяпти. Барча ахборот воситалари орқали суд жараёни ошкора, тўғридан-тўғри намойиш этилмоқда.

Булоқбошилик Абулкарим Алматов тун бўлишига қарамай ўзининг «Тико» автомашинасида киракашлик қилаётган эди. 13 май куни тунги соат 2 ларда қўшни қишлоқдаги мижозининг саримсоқ пиёзини юклаб, Хўжаободга олиб келади. Қайтаётса, йўл ёқасида ёмғирпўш кўтарган бир одам турибди. Йўловчи қўл кўтаради. Тунда кўчада қолибди, олиб кетай, деб машинани тўхтатади. Йўловчи олд эшикни очиб индамасдан ўтириб олади. Орқага яна бир йигит ўтиргач, у машинани юргизади.

— Фарзандларингиз нечта? — деб сўрайди йигитлардан бири.

— Худога шукр, беш нафар...

Улар кулишади. Шу пайт орқадаги йигит Абулкарим аканинг бўйнини ушлайди. Биқинига ҳам нимадир қадалгандай бўлади. Қўли билан билдирмай пайпаслаб кўрса, автоматнинг учига ўхшармиш.

— Агар фарзандларим соғ, ўзим тирик қолай десангиз, бизни тез Андижонга етказинг. Биродарларимиз ҳокимиятни қўлга киритган. Энди тақдирингиз бизнинг қўлда бўлади.

Шу аснода у қанча юрди — билмайди. Бир вақт милиция пости кўринади. Улар тезликни пасайтирмасдан ўтиб кетишга буйруқ беради. Улар шундай мустаҳкам ушлаб олишган эдики, ҳатто машинани ташлаб қочишга ҳам имкон бермасди. Шунда орқада ўтиргани «бизни ғалабамизга кечиктиряпсан», дейди сенсираб ва олдга қараб ўқ отади. Олд дераза чил-чил синади. Вилоят ҳокимияти биноси ёнида 15-20 нафар қуролланган одамлар туришарди. Шу ерда тўхтатишади. «Энди пиёда кетавер» дейишади Абулкарим акага. Шу пайт кимдир «ярадор бор, касалхонага олиб борайлик» деб қолади. У яна «Тико»га ўтириб, ярадорни вилоят касалхонасига олиб боради. Ўзи эса одамлардан сўраб, мелисахонани топади. Уларга ҳаммасини айтиб беради.

Мана сизга жар солинаётган «тинч намойишчилар»дан иккитасининг хурмача қилиғи...

Гувоҳ Ҳаётбек Акбаров кўргазмасига эътибор берилса Андижондаги воқеалар атрофида юз бераётган турли миш-мишларда қанчалик асос бор-йўқлиги аён бўлади.

— Мен 2005 йил 13 май куни соат 16-17 чамасида Эски шаҳар бозорига бозор қилиш учун боргандим, — дейди у. — Ҳокимият, кинотеатр томонда тутун чиқаётганлигидан у томонга ўтдим. Борсам театр, машиналар ёнаётган экан. Нарирокдаги ҳайкал олдида митинг бўлаётганди. Ана шу ерда қуролланган одамлар мени чақириб «бери кел, сенга тегишли гаплар бўлаяпти бу ерда», деди. Кетмоқчи бўлувдим, қўлимдан тутиб, қурол нуқташиб, «сен мана бу ерда ўтирасан, одам кўпайсин» дейишди. Ўтирдим. Улар «Халифалик тузамиз. Ҳокимиятни қўлга олдик, Аллоҳу Акбар!» дейишарди. У ерда кўпчилик аёллар, болалар, панжара атрофида қуролланган 150-200 нафар одамлар бор эди. Чиқишга ҳаракат қилдим. Митинг тугагунча ўтирасан, дейишди. Чамаси 2 соатларча ўтирдим. Осмонга қуролларда отишиб, биз кетаяпмиз деб, шовқин қилишди. Гаровдагиларни қўллари боғланган ҳолда олиб тушишди. Сўнгра уларни олдинга «қалқон» қилиб қўйиб олишди. Бизни уларни орқасига қўйишиб, қуролланганлар атрофни занжирдек тўсишиб, сойга қараб юришди.

2-бет

ПАРТИЯМИЗ ФАОЛЛАРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган шаҳар кенгаши ҳисобида бугунги кунда 243 та бошланғич ва ҳудудий партия ташкилотлари мавжуд. Уларда 6000 нафардан зиёд партия аъзоси бор. Аъзолари сони билан ҳам, фаолияти қамрови билан ҳам вилоятда етакчи ўрин тутаётган шаҳар партия кенгашига ташаббускор, фидойи инсон Акмалхон Умаров раҳбарлик қилиб келмоқда.

— Партияга талабалик давримда аъзо бўлгандим, — дейди у. — 14 йиллик партиявий фаолиятимнинг 10 йили мана шаҳар партия ташкилотида кечди. Ўзини мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий кучларнинг сўл қаноти деб эълон қилган партиямиз янги дастурий мақсадларига кўра ижтимоий ислоҳотлар партияси сифатида намоён бўлмоқда. Бу биздан масъулият ва фаолликни талаб этади.

Сўз ва иш бирлигига қатъий амал қилувчи Акмалхон Умаров жамиятда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли ҳали бундан-да ошишига, ЎзХДПнинг етакчи сиёсий куч сифатида катта ўрин тутишига ишонади. Унинг ғайрат билан жўшқин фаолият кўрсатишига асос ҳам ана шу ишонч ва қатъиятдир.

Суратда: Акмалхон Умаров.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Бухоро вилоят кенгашида бошланғич партия ташкилотлари раислари иштирокида Ўзбекистон ХДП ташкил топганлигининг 14 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Самарқанд вилоят кенгаши фаоллари Ўзбекистон ХДП ташкил этилганлигининг 14 йиллиги ва 18 октябрь — Самарқанд шаҳри куни муносабати билан Пайариқ туманининг Охунбобоев ширкат хўжалигида пахтакорларга яқиндан кўмаклашаётган Самарқанд тиббиёт институти талабалари ҳузурида бўлдилар. Тадбир сўнггида илғор ҳашарчиларга фахрий ёрлиқлар, совғалар топширилди.

Мархамат туман кенгаши маданият ва спорт ишлари бўлими билан ҳамкорликда Т.Мирзаев номли ширкат хўжалигида «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди» мавзуида оммавий тадбир ташкил қилди. Унда сўзга чиққан партия фаоллари турли бузғунчи кучлар бизни ҳеч қачон танлаган йўлимиздан қайтара олмаслиги, бугунги тинч ҳаётимизнинг қадри ҳақида гапирдилар. Шунингдек, тадбирда ЎзХДПнинг янги аъзоларига партия билетлари топширилди.

Сергели туман кенгаши ташаббуси билан туман маҳаллалари фахрийлари, қариялар, БПТ раислари, хотин-қизлар ва ёшларнинг Занги ота ҳамда Анбар она мажмуига зиёрат сафари ташкил қилинди. Зиёратдан сўнг шу ернинг ўзида ифторлик дастурхони ташкил этилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON XAVO YOLLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Давра суҳбати иштирокчилари таъкидлаганидек, «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳамда норматив ҳужжатлар ижроси билан биргаликда экологик ҳолатни яхшилашга ва чиқиндиларнинг аҳоли соғлиғига зарарли таъсирининг олдини олишга олиб келади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда рўёбга чиқарилаётган «Ўзбекистонда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш» лойиҳасинииг ижроси ҳақида йиғилганларга ахборот тақдим этилди. Мазкур лойиҳадан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг миллий стратегияси ва ҳаракат режасини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Миллий стратегия ва ҳаракат режаси чиқиндиларни ҳисобга олиш, тўплаш, утилизация қилиш ҳамда уларни камайтириш муаммоларини ҳал этишдаги стратегик йўналишни белгилаб олиш ва бу борадаги ишларни мувофиқлаштириб бориш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу стратегия чиқиндилар ҳосил бўлишини имкон қадар камайтиришга, улардан иккиламчи тарзда фойдаланиш ва уларни қайта ишлаш кўламларини иложи борича кенгайтиришга йўналтирилади. Иқтисодиётнинг барча секторлари вакилларини, шунингдек, жамоатчиликни чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жараёнига жалб этиш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мазкур лойиҳа доирасида стратегияни шакллантириш билан бир қаторда Навоий ва Бухоро шаҳарларида чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини такомиллаштиришга, шунингдек, улардаги йирик саноат корхоналарида чиқиндилар чиқаришни камайтириш масалаларини ҳал этишга доир тажриба лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишдаги муаммолар қатори чиқиндиларни жойлаштиришдаги ва уларни кўмиш учун ихтисослаштирилган майдонлар барпо этишдаги қониқарсиз аҳвол, чиқиндиларни йиғиш, зарарсизлантириш ва кўмиб ташлашда техникавий, санитария ва экология талабларига риоя этилмаётганлиги, чиқиндилар билан боғлиқ ишлар жараёнига жамоатчиликни жалб этиш даражаси пастлигича қолаётганлиги ва бу ишлардан аҳоли етарлича хабардор қилинмаётганлиги сингари жиддий камчиликлар ҳам йиғилиш асносида таъкидлаб ўтилди.

Муҳокама натижалари асосида иштирокчилар Ўзбекистонда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг миллий стратегияси ва ҳаракат режаси лойиҳасини давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, шунингдек, жамоатчиликнинг бу соҳадаги фаолиятидаги устувор йўналишларни қамраб олувчи ҳужжат сифатида маъқуллашни тавсия этдилар.

Анжуманда Ўзбекистонда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг самарали тизимини шакллантиришга қаратилган қатор тадбирлар белгилаб олинди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Давра суҳбатида Сенат аъзолари, тегишли вазирликлар ҳамда идораларнинг, Бухоро, Навоий ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг раҳбарлари, халқаро, илмий ташкилотлар ҳамда жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

●●●

«Қонунчилик техникасининг замонавий усуллари» деган мавзуда бўлиб ўтган семинар-тренинг Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Ташқи сиёсат масалалари қўмиталари томонидан Тошкент давлат юридик институти билан биргаликда ташкил этилди.

Юридик техниканинг замонавий усулларини парламентдаги қонунчилик жараёнининг барча босқичларида қўлланиш масалаларига бағишланган тадбир асосида қонун ижодкорлиги принциплари ва босқичлари, қонунларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатида кўриб чиқишнинг ўзига хос жиҳатлари қизғин муҳокама этилди. Тошкент давлат юридик институтида ўтган мазкур семинарда иштирокчилар қонунчилик техникасининг замонавий усулларидан фойдаланиш, хусусан, қонун ҳужжатларини туркумлаштириш ва тўплаб тартибга солиш муаммоларига алоҳида эътибор бердилар.

Тадбирда сенаторлар ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент давлат юридик институтининг ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг етакчи ҳуқуқшунос олимлари иштирок этдилар. Бўлиб ўтган семинар-тренинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатларини қонунчилик техникасининг усул ҳамда услубларига изчил ўргатиб бориш мақсадини кўзловчи туркум тадбирларни бошлаб берди.

(ЎзА)

КОМИССИЯНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ

Парламент Қонунчилик палатасида тузилган Тожикистон алюминий заводи салбий таъсир кўрсатаётган минтақадаги экологик вазият ҳақидаги масалани ўрганиш бўйича комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти, Фанлар академияси «Зоология», «Ботаника» институтларининг ахборотлари тингланди.

Комиссия ушбу масалани чуқур ўрганиб, сўнг у юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг нуқтаи назарини ишлаб чиқади.

(Ўз мухбиримиз)

Муносабат

ЯШАШ ҲУҚУҚИ — ДАХЛСИЗДИР

Собиқ шўролар даврида инсон ҳаёти қадрланмасди. Бунга биргина мисол, 90-йилларгача кўп миқдорда давлат мулкини талон-торож қилганларга қонунда ўлим жазоси кўзда тутилган эди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, инсон эрки масаласида ижобий ўзгаришлар қилишга имкониятлар яратилди. Биргина суд-ҳуқуқ соҳасини олайлик, ярашув институти жорий этилди ва ўзбекона кечиримлилик хусусияти қонунчилигимизга сингдирилди. Иқтисодий жиноятларга доир ишларни кўришда етказилган зарарни қоплаганларга қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазолар белгилаш қонунда аксини топди. Ҳибсхонада сақланаётган шахсларга нисбатан судгача ва суд жараёнида эҳтиёт чораси сифатида гаров, кафиллик бериш орқали уларни тилхат билан озодликка чиқариш каби масалалар ҳал қилинди.

Шунингдек, қўшимча жазо сифатида мол-мулк мусодара этилишининг чиқарилиши, иқтисодий жиноятлар учун етказилган зарар, миқдоридан қатъи назар, қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бундан ташқари, жиноят қонунчилиги либераллаштирилиши натижасида ўта оғир бўлмаган 26 турдаги жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар турига киритилди. 12 турдаги жиноят оғир тоифадан унча оғир бўлмаган, 7 турдаги жиноят эса ўта оғир жиноятлар тоифасидан оғир жиноятлар тоифасига ўтказилди. Булар ўз навбатида ижтимоий ҳаётимизда одилликни, инсонийликни, миллий менталитетимизга хос кечиримлилигимизни амалда исботлаб, ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда. Илгарилари билиб-билмай биров билан жанжаллашиб жароҳат етказилса, албатта, у маълум муддатга озодликдан маҳрум этилар эди. Бугун улар ярашиши, «судланган» деган тамғани олмасликги мумкин. Кўп ҳолларда арзимас қилмиш учун жазоланиб жамиятда судланган аламзадалар сафи кенгайган бўлса, эндиликда либераллаштирилиш натижасида бундай хато ва камчиликлар йўқотилмоқда.

Ўлим жазосини қўллаш ҳам босқичма-босқич камайтирилиб, ҳозирда 2 та моддада: оғирлаштирадиган ҳолларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятини содир этганлар учун жазо сифатида қолдирилган.

Кейинги йилларда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар бутун дунёда кенг муҳокама қилинмоқда. Ўлим жазоси қадим-қадимдан қўлланиб келинади. Лекин жамият, давлатнинг тараққий этиб, ривожланиб бориши туфайли бу жазо тури кўп давлатларда бекор қилинган.

Жиноят кодексида «жазонинг мақсади» деган норма бор. Бунга жиноят содир қилган шахсни тарбиялаш ва қайта жиноят содир этишининг олдини олиш тушунилади. Лекин бунга ўлим жазосини қўшиб бўлмайди. Чунки жиноятчи отилгандан кейин уни қайта тарбиялаб бўлмайди. Йўқ одам эса ҳеч қачон бошқа жиноят содир қилмайди.

Суд ўлим жазоси белгилашда хатога йўл қўядиган бўлса, уни ҳеч қачон тузатиб бўлмайди. Судлар хато қилмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Яшаш ҳуқуқи инсоннинг узвий ҳуқуқи бўлиб, уни ҳеч ким бермаган, ололмайди ҳам. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам инсон, унинг ҳаёти, қадр-қиммати дахлсиз эканлиги таъкидланади. Шу маънода Президентимизнинг **«Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»**ги Фармони қутилаётган ҳужжат бўлди.

Фармонга асосан Ўзбекистон Республикасида 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилиши бир томондан юртимизда инсон қадри, ҳаёти нақадар улуғ саналишини яна бир бор тасдиқлаган бўлса, иккинчи томондан суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Қолаверса, жазо жиноятчининг қилмишига берилган баҳо бўлиб, у судланувчини тарбиялаши, уни афсуслантириши, қилмишини англашга ёрдам бериши керак. Лекин, бошқа жазо турларидан фарқли равишда ўлим жазосини қўллаш инсонни тарбиялашни кўзда тутмайди. Аксинча, уни бундай имкониятдан маҳрум этади. Демократик-ҳуқуқий ривожланиш йўлини танлаган кўпгина мамлакатлар тажрибаси ҳам ўлим жазосини қўллаш жиноятчиликнинг камайишига эмас, балки аксинча ортишига сабаб бўлишини кўрсатмоқда.

Инсон қилган қилмиши учун жазо олиши шарт. Лекин тирикликка нуқта қўйишни адолатдан деб бўлмайди. Шу боис ўлим жазосининг келажакда жиноят кодексидан чиқариб ташланиши улкан тарихий ҳодиса сифатида баҳоланмоғи зарур.

Баҳриддин НОРХЎЖАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди раиси

! ЎзХДП УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ, СИЗНИНГ ПОЗИЦИЯНГИЗ ҚАНДАЙ?

СИЁСАТДА ҲЕЧ НАРСА ЎЗ-ЎЗИДАН ПАЙДО БЎЛМАЙДИ

Ҳозирги шароитда, яъни фуқаролик жамиятига хос турли институтлар ривожланаётган бир пайтда сиёсий партиянинг мавқеи қандай бўлиши керак? Бу саволга ЎзХДП республикадаги сиёсий кучларнинг сўл қаноти сифатида жавоб берди. Унинг янги Дастурида, партиянинг келгусида Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари туман, шаҳар, вилоят Кенгашларига бўладиган сайловларда ғолиб чиқиш ва сайловлар натижасига кўра, ҳукумат ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларини шакллантиришда таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган партияга айланиши кўзда тутилган.

Партиянинг V қурултойида ЎзХДП мафкураси — ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик, демократия ва озодлик мафкураси эканлиги белгиланди. Айримлар ЎзХДП ҳеч қандай тайёргарликсиз ўзини сўл қанот партияси деб эълон қилди дейишади. Бу нотўғри. Оламда, айниқса сиёсатда ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди.

ЎзХДП ўзини сўл қанот партияси деб аташга йиллар давомида тайёргарлик кўрди, ортда қолган йиллар ЎзХДП учун кўп жиҳатдан изланиш ва сиёсатда ўз йўлини топиш, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш йиллари бўлди. Партия турли қийинчиликлар, англашилмовчиликлар, мухолиф кучларнинг ноҳақ танқидларига ҳам дуч келди. Шундай бўлса-да, у мамлакатда қарор топган демократик имкониятлар доирасида, ўз дастурий ғояларини ҳаётга татбиқ этишда қатъий позициясини намойиш қилмоқда.

Ҳеч бир сиёсий партия мафкураси жамиятдаги барча синфлар, миллат, ижтимоий табақалар ва тафаккур йўналишларининг ҳамма қирралари, хусусиятлари ва талабларини қамраб ололмайди. ЎзЛиДеП ишбилармонлар ва тадбиркорлар манфаатларини ҳимоялашга киришди. ЎзХДП эса ижтимоий ҳимояга муҳтож, аҳолининг заиф қатламлари манфаатлари учун курашдек савобли, долзарб вазифани ўз зиммасига олди ва шу йўналишда ҳаракат қилмоқда.

Самарқанд вилоятидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 4 нафари ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайланган депутатларнинг 64 фоизи ЎзХДП аъзоларидир.

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашига сайланган депутатларнинг 5 нафари аёллар. Шундан тўрт нафари ЎзХДП аъзоси эканлиги ҳам вилоятда партиядошларимизнинг мавқеи баландлигидан далолатдир.

Келгуси сайловларда ғалаба қозониш учун Самарқанд вилоят партия ташкилотида барча имконият ва шароитлар мавжуд. Эндиги асосий ишимиз ўз электоратимиз таркибига кирувчи аҳоли қатлам ва гуруҳлари орасига кириш ва унинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдир.

Кишиларнинг сиёсий онгини ўзгартириш учун нима қилиш керак? Энг аввало, ижтимоий борлиқ — атрофимиздаги вазиятни, атрофдагиларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш лозим. Ҳаётга чуқурроқ кириб, ғоямизга ҳамфикр ва маслакдошларни топиб, уларни ўз атрофимизда бирлаштиришимиз лозим. Бусиз бирон бир масалани, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш амри маҳол. Тирикчилик ҳақида гап борар экан, Конституциямизда мустаҳкамланган «...Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас» деган қоидадан келиб чиқиб, «Энг кам истеъмол миқдори ва стандартлари тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тўғрисидаги ғоя партиямиз Дастурига киритилган. Шу боис ЎзХДП янги Дастурида мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга оид аниқ таклифлар бор.

Дастуримизда бандлик масаласига алоҳида эътибор берилган. Чунки иш бу бойлик, фаровонлик манбаи, кишиларнинг ўзлигини намоён этиш воситаси. Иш йўқ жойда ташвиш кўпаяди, нохуш ҳолатлар пайдо бўлади. Бутун дунёда бўлаётганидек, афсуски бизда ҳам ишсизлик мавжуд. Партиямиз дастурида аҳоли бандлиги даражасини ошириш мақсадида қатор таклифлар илгари сурилган. Шулардан бири ички ва ташқи меҳнат миграциясини тартибга солишдир. Айрим ватандошларимиз «Ёшларимиз чет ўлкаларга ишга кетиб қолмоқда» деб арз-дод қилишади. Ваҳоланки, ривожланган мамлакатларда ҳам меҳнатга лаёқатли аҳолининг 20 фоизга яқини чет мамлакатларда ишлайди. Буни ҳеч қандай ташвишли томони йўқ. Бироқ четга ишга кетишни қонуний-лаштирилиши, тартибга солиниши лозим.

Мамлакатимиз аҳолисининг 70 фоизга яқини бевосита қишлоқ хўжалигига дахлдор юмушлар билан шуғулланади. Шунинг учун ҳам ЎзХДП аграр сиёсатга кўпроқ эътибор қаратмоқда.

Деҳқонлар етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш учун мини завод ва корхоналарни қишлоқ жойларида қуришга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки бу ўз навбатида қишлоқда ишсизлик муаммосини камайтириш имконини беради. Ўзбекистон шароитида шакар ишлаб чиқаришга қараганда, пахтани қайта ишлаш корхоналари 10 баробар фойдалидир.

Аграр соҳани янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиб бериш, қишлоққа саноатни олиб кириш, ташқарига хомашё эмас, тайёр маҳсулот чиқариш миллий даромад ошишига хизмат қилади. Бунинг оқибатида халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасалари ва ижтимоий муҳофаза масалаларини бюджетдан молиялаштириш имконияти ошади. Бу ЎзХДПнинг Дастурида кўзда тутилган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, заиф қатламларини ҳимоя қилиш имконини беради.

Биз вилоятимиздаги барча партия бошланғич ташкилотлари ҳамда ҳар бир ХДП аъзосини аҳолига партиямиз дастурий ғояларини тушунтириш ва уларни амалга ошириш йўлида ғайрат билан ишлашга даъват этамиз.

Камолбой ИСОБЕКОВ,
Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси

21 ОКТЯБРЬ — ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун

ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИНИНГ КЎЗГУСИ

Тарихга назар ташласак, XV асрдаёқ улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ўзбек тилининг қудрати, сиру синоатини теран англаганлигини кўрамиз. Ўзбек тилининг мавқеини юксалтириш ва мустаҳкамлашда улуғ бобомизнинг хизматлари катта. Чунки у киши ўз замонасидаёқ тилимизни давлат, илм-фан, адабиёт ва санъат тили мартабасига кўтарди, мукаммал адабий тилимизни асослаб берди.

Таъбир жоиз бўлса, она тилимиз бугун катта ўзгаришларни бошидан кечирмоқда, десак хато қилмаймиз. Зеро, ҳозирги пайтда фанимиз кашфиётларини миллий тилимиз доирасида баён этиш, ёки дунёнинг бошқа тиллари орқали кириб келаётган байналмилал атама ва ибораларни ўзбек тилида қўллаш тилимиз лексикологиясини бойитибгина қолмай, уни бошқа тилларга ҳам яқинлаштирмоқда.

Фикримиз исботи тариқасида айтадиган бўлсак, бугун ўзбек тилида анча-мунча русча ёки бошқа хорижий тиллардан ўзлашган сўзлар бўлганидек, бошқа тилларда ҳам соф ўзбек ёки туркий сўзларнинг ўша тил даражасида фаол қўлланилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу эса ҳеч бир тил ўз қобиғига ўралиб қолмай, балки бошқа тиллар, лаҳжалар билан мунтазам алоқада бўлишини, доимо янгиланиб, бойиб боришини англатади.

Бундан тўққиз йил олдин, 1996 йилнинг августида Тошкент шаҳрида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини жиҳозлаш бўйича кўргазма ташкил этилган эди. Президентимиз ана шу кўргазма билан таниша туриб, хорижий тилларни ўрганишда эски даврдагидек ўртада бошқа тил воситачилик қилмаслиги кераклигини айтиб, жумладан шундай деган эдилар: **«...Шу йўл билан она тилимизни халқаро майдонга тенг ҳуқуқли тарзда олиб чиқишимиз мумкин бўлади. Амир Темурни бутун дунё танийди, энди унинг халқи тилини ҳам жаҳон танисин».**

Айни пайтда бу эзгу мақсад йўлида ҳар бир киши масъулиятни чуқур англаган ҳолда, тилимизни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси бўлган «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилишига ўз ҳиссасини қўшиши зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ушбу қонуннинг 4-моддасида: **«Ўзбекистон Республикасида давлат тилини ўрганиш учун барча фуқароларга шарт-шароит ҳамда унинг ҳудудида яшовчи миллатлар ва элатларнинг тилларига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланади, бу тилларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратилади»,** деб қайд этилган. Ҳақиқатан, мазкур қонун қабул қилингандан сўнг ўзбек тилини ўрганиш бўйича ўқув курслари корхона ва ташкилотларда, муассасаларда катта ташаббус билан уюштирилган эди. Бу жараённи ёритиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилганди. Лекин бугунги кунда бу каби ишлар янада жонлантирилиши, керак бўлса ҳаётий дастурлардан бирига айланиши зарурати пайдо бўлаётганини ҳам инкор қилиб бўлмайди.

Маънавий меросимизни келажак авлодларга етказишда она тилимизнинг хизмати беқиёс. Биз эндиликда жаҳон андазаларига мос равишда илгарилаб бормоқдамиз. Аммо маданиятимиз, маънавиятимизга путур етказадиган баъзи бир камчиликлар борки, бу ҳолат тилимиз ривожига салбий таъсир этмоқда.

Ўзбек тилини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири — нутқ маданияти эканлигини яхши биламиз. Аммо афсуслар бўлсинки, ўзаро муомалада ҳали ҳам бошқа тилни аралаштириб сўзлашиш каби ҳоллар учрайди. Яқинда бир қўшиқни (агар уни қўшиқ деб бўлса) эшитиб қолдим. Унда «Ишла қалай, привет жононаларга» деган сўзлар кўп бор такрорланади. Менимча, буни шоир ёзмаган, бирор-бир ҳаваскор ёзган. Телевидение ва радиоканалларда бериладиган қўшиқлар матнларини кўриб чиқиб, ўтказадиган бадиий кенгашдагилар бу каби савияси паст, мазмуни ҳаминқадар қўшиқлар ёшларнинг диди, маданиятини яна ҳам пасайтиришга хизмат қилишини наҳотки тушунишмаса...

Она тилининг софлигини бузиб, унинг бетакрор нафосатини йўқотишга йўл қўйиб бўлмайди. Ахир тил — халқ маънавиятининг кўзгусидир. Бу кўзгуда миллатнинг маънавияти ҳам, ўтмиш қадриятлари-ю янги анъаналари ҳам бирдай тиниқ акс этиши керак деб ўйлайман?

Ҳамротош ШОДИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

ҚОРОНҒУДАГИ ҚОРА НИЯТЛИ «ЙЎЛОВЧИЛАР»

Сой томонга борилганда орқадан ўқ овозлари эшитилди. Кейинчалик билсам, олдинда солдатлар бор эди, уларга қарата отишган экан. Гаровдагилар қочмоқчи бўлишди. Уларга ўқ отишди. Мен ҳам қочмоқчи бўлувдим, қўрқдим. Ярадорларни кўриб қочолмадим. Ўнга бурилиб юрдик. Тонгга яқин «Тешиктош» деган жойга етдик. Йўлда қуролларни ташлаш ҳақида буйруқ бўлди. У ердан Қирғизистонга ўтамиз дейишди. 3-4 таси бориб келишиб, тонгга яқин Қирғизистонга ўтдик. Биз қайтамиз десак, сенларни отиб юборишади, деди. Борсак палаткалар бор экан, жойлаштиришди. Эрталаб мухбирларнинг бирин-кетин келиши бошланди. Улар билан гаплашадиган одамлар бор, дейишди. Мухбирларга ўзлари гапиришди. Мен у ерда 14 кун бўлдим. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан онам келди. Қўрқитишларнинг барчаси бекор экан. Мен ўз хоҳишим билан Андижонга ўтдим.

Гувоҳнинг ушбу кўргазмалари орқали мажбурий «тинч намойиш»чиларга айлантириш ва хокисор «қочоқ» мақоми олишга бўлган уринишлар чок-чокидан йиртилади.

У билан суд жараёнида бўлиб ўтган қуйидаги савол-жавоб ҳам Андижонда қандай хунрезликлар содир этилганлигини тасдиқлаб турибди.

— Ҳаётбек айтинг-чи, митингда бўлган пайтингизда халифалик давлати тузамиз деб айтди, деяпсиз. Сиз биласизми, халифалик давлати нима ўзи?

— Бунақа нарсаларни тушунмайман. Жиҳод қиламиз, деди. Аллоҳу Акбар, деди. Барчасига тушунмаганим учун қайтиб кетмоқчи бўлган эдим, қуролланган одамлар менга шу ерда турасан, кетмайсан, кетсанг отишиб юборади деди. Қўрқканим учун митингда туришга мажбур бўлдим.

— Қўргазмангизда айтиб ўтдингиз, яраланган одамларнинг устига бензин қўйишди деб. Нима сабабдан қўйишди?

— Қочмоқчи бўлса гугурт чақворамиз дейишганди. Уларни кейин кўрмадим, олдинга қараб олиб кетишганди.

— Қочишга ҳаракат қилганларни ким отди?

— Бунақа ҳаракат қилганлар ким эди?

— Кимнидир тайинлаб қўйишди. Исмини билмайман. Қорачадан келган одам эди. Ана шу киши бизга қараб турарди.

— Қўргазмангизда айтиб ўтдингизки, Қирғизистонга ўтган кундан бошлаб мухбирлар кела бошлади, деб. Шуларга учрашиб мен бехосдан келиб қолдим, Ўзбекистонга қайтиб кетмоқчиман, деб айтиш имконияти сизда бўлмадими?

— Имконияти бўлмади-да. Палаткани ичида бизга ўхшаган беш-олтита бола бор эди. Ўзимиз чақирамиз дейишиб, ўзларининг одамларини чақиришаверди. Мухбирлар билан ўзлари гаплашиб қўйишарди...

Кўриб турганингиздек, гувоҳлар ва жабрланувчилар кўргазмалари Андижон воқеалари тинч намойиш қатнашчилари эмас, балки қуролланган гуруҳларнинг Ўзбекистон Республикаси конституцион тузумига қарши қаратилган қуролли хуруж эканлиги маълум бўлмоқда. Албатта, барча тафсилотларга суд одилона баҳо беради. Хунрезликлар, фарзандидан ажралган ота-она, етимга айланган болалар ҳаққи айбдорлар жазо олади. Ҳақиқат ва адолат тантана қилади.

— Сиз ҳокимият атрофида ҳукумат кучларини, ҳарбийларними, милиция ходимларинями кўрдингизми?

— Йўқ. Милиция ходимларини кўрдим, ҳокимият ичига гаровга олиб киришаётганларини фақат.

— Сиз сой томонга кетамиз деганда милиция ходимларини қўл оёғидан боғлаб олиб чиқиб қўйишди, деяпсиз. Милиция ходимлари, боғлаб қўйилган одамлар қанча бор эди, тахминан?

— Энди аниқ билмайману, 20-25 та атрофида эдиёв... Улардан иккитаси қочишга ҳаракат қилувди, отиб ташлашди.

— Ўша сафда кетадиган пайтда қочиб кетиш имконияти йўқмиди?

— Имконият тополмадик. Сой томонга ёйилиб кетишда гаровдагиларнинг бир-иккитасини отиб юборди. Улар қўрқканидан жипслашиб олишди. Қуролланганлар атрофдагиларни қаттиқ тўсиб олишганди. Иложсиз юравердик.

— Мен билишимча, ана шу террористлар отди.

— Ҳаётбек айтинг-чи, «Тешиктош»га қараб кетадиган пайтда ҳукумат кучлари ёки ҳарбийлар кузатиб боришдими?

— Кузатиб боргани йўқ. Чунки орқамизда бўлганида биз билардик. Орқада йўқ эди милиция ходимлари.

— Нима сабабдан қуролларни ташлаб кетишди?

— У ерга борганда мухбирлар келишди-да. Бизда қурол йўқ, улар бизда қурол бор дейишаяпти, биз террорист эмасмиз дейишди-да. Ана шу мақсадда улар қуролларни ташлашди. Улар оддий халққа айланишди, менинг назаримда.

— Қирғизистондаги палаткага ўтганингиздан сўнг сизга ўхшаб кириб қолганлар бормикан?

— Бор эди.

— Қочоқлар лагерида юрган пайтингизда ким Ўзбекистондан ўтган одамларга раҳбар эди?

— Кимнидир тайинлаб қўйишди. Исмини билмайман. Қорачадан келган одам эди. Ана шу киши бизга қараб турарди.

— Қўргазмангизда айтиб ўтдингизки, Қирғизистонга ўтган кундан бошлаб мухбирлар кела бошлади, деб. Шуларга учрашиб мен бехосдан келиб қолдим, Ўзбекистонга қайтиб кетмоқчиман, деб ай-

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иқтисодиёт ва ислоҳот

СОЛИҚЛАР ВА БОЗОР МУВОЗАНАТИ

ЭРКИН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БИР-БИРИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА РИВОЖЛАНИШИ ТАЛАБ ЭТИЛАДИГАН ИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯ

Шу жиҳати билан солиқлар, иқтисодиётда талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлашда давлатнинг муҳим иқтисодий механизмларидан бири ҳисобланади. Мазкур механизм мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни маълум қонун ҳамда меъёрлар асосида тартибга солиб, иқтисодий мувозанатни таъминлашга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Шу боис, солиқ сиёсатининг оқилона усуллари ва имтиёзларини амалиётга жорий этилиши мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиши ва мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари ва хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларининг ижобий жиҳатларини инобатга олган холда Ўзбекистонда қисқа муддат ичида солиқ тизими шакллантирилди ва у амалиётга жорий этилди. Бу, айни пайтда мамлакатда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмининг барқарорлигини таъминлашга, инфляция ва ишсизлик даражаси пасайишига тўлиқ имкон яратди. Шу билан бирга, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида иқтисодиётнинг деярли барча тармоқ ва соҳалари жадал ривожланмоқда. Масалан, ўтган 2004 йил ҳисобот даврида 2003 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан ички маҳсулот 7,7 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 13,4 фоизга, жумладан саноат товарлари ишлаб чиқариш 18,6 фоизга ўсди.

Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини янада чегаралаш ва ишлаб чиқариш субъектларининг фаолиятини тубдан ривожлантиришда юридик ҳамда жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унинг юкини камайтириш муҳим вазифалардан бири эканлиги мамлакатимиз раҳбари томонидан доимо уқтириб келинмоқда. Маълумки, бозор иқтисодиёти амалиётида қўлланиладиган солиқ юки мамлакатда яратиладиган ЯИМга нисбатан ўрнатилиб, унинг даражаси турли мамлакатларда турлича. Бундай ҳолат мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат, уларнинг географик ҳамда геополитик жойлашуви ва бошқа қатор омиллар билан изоҳланади. Мамлакатимизда хўжалик субъектларига нисбатан ўрнатилган солиқ юкининг ижобий жиҳатларини намоён этиш учун дунёнинг айрим давлатларидаги мавжуд солиқ юки билан таққослаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ушбу мамлакатларда солиқ юки салмоғининг ЯИМга нисбатан улушини учта йирик гуруҳга ажратган ҳолда кўриб чиқиш мумкин:

Биринчи гуруҳ — солиққа тортишнинг энг юқори даражаси ЯИМга нисбатан 40 фоиздан ортиқни ташкил этган мамлакатлар (Дания, Италия, Люксембург, Франция, Германия ва бошқалар);

иккинчи гуруҳ — солиққа тортишнинг ўртача даражаси ЯИМга нисбатан 30 фоиздан 40 фоизгача ҳажмни ташкил этган мамлакатлар (Канада, Буюк Британия, Австралия, АҚШ, Украина) ва бошқалар;

учинчи гуруҳ — солиққа тортишнинг энг паст даражаси ЯИМга нисбатан 30 фоизгачани ташкил этган мамлакатлар (Индонезия, Хитой, Ҳиндистон, Миср, Малайзия, Жанубий Корея) ва бошқалар.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, жаҳоннинг турли мамлакатларида ўрнатилган солиқ юки даражаси турлича. Айниқса, биринчи ва иккинчи гуруҳга кирувчи мамлакатларда солиқ юки нисбатан юқори даражада ўрнатилган.

Ўзбекистон ҳукумати ва Давлат солиқ қўмитасининг саъй-ҳаракати натижасида мамлакатимиз **солиқ юки даражаси** қатор йиллар давомида **мунтазам пасайиб бормоқда**. Масалан, ушбу кўрсаткич **2000 йилда 36,8 фоизни, 2002 йилда 33,8 фоизни, 2003 йилда 32,0 фоизни. 2004 йилда эса 30,9 фоизни ташкил этди.** Кўриниб турибдики, мамлакатда оқилона солиқ сиёсатининг юритилиши ва хўжалик субъектларини солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимига ўтилиши ЯИМга нисбатан солиқ юкини пасайтириб бориш имкониятини бермоқда. Мазкур ҳолатни ижобий натижа сифатида баҳолаш мумкин. Чунки, мамлакатда ЯИМга нисбатан солиқ улушининг пасайиши хўжалик юритувчи субъектлардан олинадиган солиқ миқдорининг камайганлигидан далолат беради, бу эса ўз навбатида уларнинг айланма маблағларини кўпайтириш орқали мамлакатда бозор мувозанатини таъминлашга замин яратади.

Собиқ иттифоқ даврида давлат корхонаси билан давлат бюджети ўртасидаги муносабатлар асосан иккита восита — оборот солиғи ва фойдадан ажратмалар сифатида ташкил этилиб, шакллантирилган маблағлар тўлиғича «марказ» тасарруфига ўтказилар ва ушбу маблағнинг бир қисми республиканинг ижтимоий-иқтисодий мақсадлари учун қайта тақсимлаб берилар эди. Ҳозирги кунда кўпчиликка сир эмаски, ўша маъмурий-буйруқбозлик тузуми даврида мамлакатимизнинг хоҳ марказида, хоҳ чекка бир қишлоғида ижтимоий-иқтисодий соҳага тегишли бўлган иншоотларни қуриш 5-10 йиллик режага киритилсагина амалга оширилар эди. Ушбу режага киритилаётган масала тегишли инстанциялардан аёвсиз чиғиридан ўтказиларди. Қисқаси мамлакат аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилаш учун зарур бўлган маблағ харажатини «марказ»нинг рухсатисиз амалга ошириш қатъиян таъқиқлаб қўйилган эди.

Демак, шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, мамлакатимиз мустақилликка эришиши натижасида юридик ва жисмоний шахслар ҳисобидан шакллантирилаётган солиқ тўловлари республика манфаати ва унинг аҳолисини ижтимоий-иқтисодий ҳаётини янада яхшилаш учун мустақил равишда йўналтирилмоқда. Бунинг натижасини республикамизнинг барча ҳудудларида, жумладан Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида, ҳукуматимиз томонидан аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича олиб бораётган сиёсатида, мамлакатда темир йўллар ва автомобиль магистралларини қуришда амалга оширилаётган ишларда яққол кўришимиз мумкин.

Солиқ сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири — давлат харажатларини ўз вақтида ва мўлжалланган ҳажмда молиялаштириш учун бюджет даромадларининг етарлилиги ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида солиқ юкини камайтириш борасидаги сиёсатни бюджетнинг харажатлар қисмини оптималлаштириш чоралари билан ҳамоҳанг тарзда олиб борилишини тақозо этади. Шунингдек, ҳукумат бюджет харажатларини унинг тақчиллигини келтириб чиқармайдиган ҳолда ўстириш сиёсатига таянади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда солиқ механизми орқали бозор мувозанатини таъминлашга эришишда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш юзасидан қабул қилинган қарорлар муҳим ўрин тутади. Улар, бир томондан, солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини жиддий камайтириш, иккинчи томондан, барча даражадаги бюджет даромадларини ва бюджетдан ташқари фондларнинг барқарор асосини таъминлашга қаратилгандир.

Мамлакатда бюджет даромадлари ва бюджетдан ташқари фондлар ҳажмини ошириш ҳамда барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётга келаётган хорижий инвестицияларнинг салмоғи ва тадбиркорлик субъектларига берилаётган иқтисодий эркинликлар алоҳида эътиборга лойиқ. Айнан шу масалаларни янада такомиллаштириш орқали мамлакатда бозор мувозанатини таъминлашга эришишда солиқ механизми асосий роль ўйнамоқда.

Маълумки, айнан шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда ва миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**, **«Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни қонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»** ги қарорлари қабул қилинди.

Ушбу қарорлар айни вақтида қабул қилинган бўлиб миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига, мамлакатимизга хусусий хорижий инвестицияларнинг кириб келишига ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига кучли туртки бўлди. Чунки, ушбу қарорларда асосий эътибор хусусий хорижий инвестицияларни олиб кирувчиларга солиқ имтиёзларининг берилиши, тадбиркорларга эса солиқ тўловлари бўйича ҳисоботларни тузиш ҳамда топшириш борасида қатор енгилликлар бериш асосида мамлакатда бозор мувозанатини таъминлаш долзарб вазифалардан бири сифатида қаралмоқда.

Албатта, хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилган шахсларга нисбатан мазкур имтиёзларнинг жорий этилиши давлат бюджети хазинасига келиб тушиши мумкин бўлган катта миқдордаги солиқ суммаларининг кечиктирилишига олиб келади. Лекин, бундан кўзланаётган асосий мақсад мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш бўлганлиги туфайли солиқ механизмининг иқтисодиётни бошқаришдаги ролидан самарали фойдаланилмоқда.

Худди шунингдек, **«Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни қонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»** қабул қилинган қарор республикамиздаги тадбиркорлик субъектларига молиявий ва статистик ҳисоботларни топшириш муддатлари ҳамда қўшимча харажатларни олдини олиш бўйича қатор имкониятлар берди. Мазкур қарор қабул қилиниши натижасида тадбиркор ҳар ойда ҳисобот тайёрлаш ва уни топширишга кетадиган вақтдан ҳамда қўшимча молиявий харажатлардан озод бўлди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатда оқилона солиқ сиёсатининг юритилиши миллий иқтисодиётда бозор мувозанатини таъминлашга замин яратиш билан бирга, ялпи ички маҳсулотни ошишига ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш имкониятини яратади.

Акром ОМОНОВ,
иқтисод фанлари номзоди

Тафсилот

КУЛФАТДА ЗИДДИЯТЛАР УНУТИЛАДИ...

Ҳиндистон ва Покистон ҳукуматлари яқинда рўй берган зилзила оқибатларини бартараф этишда Ҳиндистон ҳарбий вертолётларининг иштироки борасида келиша олмаяпти.

Расмий Исломобод Ҳиндистон вертолётларини бир шарт билан, яъни улар Покистон учувчилари бошқарувида бўлсагина қабул қилишга тайёр эканлигини билдирди. Деҳли томон эса бу таклифга рози эмас.

Зилзиладан талафот кўрганларнинг каттагина қисми чекка қишлоқларда яшайди. У ерларга фақат авиация ёрдамида тез етиб бориш мумкин. Лекин ноқулай об-ҳаво шароити ва вертолётлар етишмаслиги қутқарув амалиётларига тўсқинлик қилаётир.

БМТ вакилларининг ҳисоб-китобига кўра, офат тоғли ҳудудлардаги 15 минг қишлоқни вайронага айлантириб, икки миллионга яқин одамни бошпанасиз қолдирди.

Зилзила оқибатида ҳалок бўлганларнинг аниқ сони ҳалигача маълум эмас. Бироқ, Кашмирнинг Покистонга тегишли ҳудуди маҳаллий ҳукумати қурбонлар сони 40 мингга етиши мумкинлигини тахмин қилмоқда. Яна 70 мингга яқин одам жароҳатланган бўлиши мумкин. Агар бу тахминлар тасдиқланадиган бўлса зилзила қурбонларининг умумий сони 54 мингга етиши мумкин. Қутқарувчилар сўзларига кўра, кўпгина муҳтож одамларга ўз вақтида ёрдам берилмаса бу рақам ошиб бораверади. Чунки аксарият жароҳатланганлар оддий тиббий ёрдамнинг йўқлиги туфайли ҳаётдан кўз юммоқда.

14 октябрь куни, Покистон тарихида энг кучли зилзила рўй бергандан олти кун ўтгач, мамлакат ҳукумати тирик қолганларни қидириш амалиётини тўхтатди. Мутахассисларнинг фикрича, энди тирик қолганларни топиш амримаҳол.

Исломобод полиция маҳкамаси зилзила пайтида 10 қаватли уйнинг қулаши борасидаги тергов ишларини бошлаб юборди. Бу уй қолдиқлари остида қирққа яқин одам ҳаётдан кўз юмди. Полиция ходимлари «қурувчилар уйни етарли даражада мустаҳкам қурмаган» деган фикрда. — Биз ўз мажбуриятларини бажармаган ҳар бир одамга нисбатан, у инспектор ё қурувчи бўладими, чора кўрамиз, — деди полиция маҳкамаси бошлиғи Сикандар Ҳаёт.

Табиий офат марказига айланган Кашмир анчадан буён Ҳиндистон ва Покистон орасидаги зиддиятларга сабаб бўлмоқда. Бироқ, бу зиддиятлар 2002 йилдаги каби авж олмаган.

Покистон Ҳиндистондан инсонпарварлик ёрдами қабул қилишининг ўзи тинчлик тарафдори бўлган инсонлар кўнглида умид чироғини ёққандек бўлди. Талафот кўрган аҳолига икки томонлама ёрдам бериш зарурати эса бир-бирига қўшни мамлакатларни музокаралар столига ўтиришга сабаб бўлиши мумкин. Бунга 1999 йили Онадўлида рўй берган зилзила Греция ва Туркия алоқалари илиқлашувига сабаб бўлгани, ўтган йилнинг охирида Жануби-Шарқий Осиёда рўй берган тўфон оқибатларини бартараф қилиш ишлари эса Индонезиянинг нотинч Ачех музофотида тинчлик ўрнатилишига олиб келгани яққол мисол бўла олади.

Покистон президенти оғир кунда ёрдамга шошилган барча мамлакатларга миннатдорчилик билдириб, Ҳиндистон бош вазирининг қутқариш ишларида ҳамкорлик қилиш таклифи билан чиққанлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Хуршид РАУПОВ

XORIJDA

Шимолий Кавказда яна террорчилик

Кеча Ингушетиянинг Яндар аҳоли пунктига жангарилар томонидан хужум уюштирилди. Жангарилар ҳуқуқ-тартибот органлари хизматчилари яшовчи 6 та уйга қарата ўт очган. Натижада Ингушетия махсус бўлинма командири Рашид Ганжиевнинг акаси яраланди.

Дастлабки маълумотларга кўра, ҳужумда ўттизга яқин қуролли шахс иштирок этган. Жангарилар автомат, гранатомёт ва портловчи моддалар тўлдирилган шишаларни ишлатишган.

Энди «Вилма»ми?



«Катрина» ва «Рита» тўфонларидан кейин АҚШга энди «Вилма» тўфони хавф солмоқда. АҚШ «Тўфонларни кузатиш маркази» унга хавфлиликнинг энг юқори бешинчи категориясини берди.

Яқин вақт ичида табиий офатдан Мексика, Куба, Никарагуа, Гондурас, Кайман ороллари ва Ямайка талафот кўриши мумкин. Тўфон Америкагача якшанба куни етиб бориши кутилмоқда.

КАСАЛЛИККА ҚАРШИ МУСТАҲКАМ ТЎСИҚ

Оммавий ахборот воситаларида хабар қилинишича, Қирғизистоннинг Жалолобод вилоятида чорва молларининг қуйдирги касалига чалиниш ҳоллари аниқланган.

Республикамизга касаллик кириб келишининг олдини олиш мақсадида Андижон вилояти ҳокимлиги томонидан қатор чора-тадбирлар кўрилди. Эпидемияга қарши фавқулодда комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Вилоятнинг Жалолобод билан чегарадош туманларида карантин эълон қилинди.

— Зудлик билан 20 деҳқон, 27 мол бозори, 29 қўшхона, 199 фермада, гўшт комбинати ва 14 терини қайта ишлаш корхонасида таҳлиллар ўтказдик, — дейди вилоят санитария-эпидемиологик назорати маркази бош шифокори Абдухалим Йўлдошев. — Ҳеч қаерда касаллик аниқланмади.

Кириб келаётган чорва моллар устидан қатъий назорат ўрнатилди. Санитария экспертизасидан ўтмаган гўштлар сотувга қўйилмаяпти. Чегарадош туманлар аҳолисини тиббий кўрикдан ўтказиш учун 837 нафар тиббий ходим жалб этилди.

Айни пайтда санэпидназорат, божхона ва чегара постлари ходимлари, қассоблар, муайян фуқаролар қуйдирги касалига қарши эмланди. Чорва моллари тегишли равишда эмланди. Шу билан бир қаторда аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари кучайтирилди. Жойларда суҳбат ва учрашувлар ўтказилди.

С.ШУКУРОВ, ЎзА мухбири

Янги қоидалар

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ходимларни ишга олиш ва хизматчиларнинг ўзини тута билиши, қисқаси, ҳулқ-атвори борасида янги қоидаларни амалга татбиқ этди. Бу қоидалар БМТ ходимлари коррупция ва ахлоқсизликларга аралашиб қолишининг олдини олиш мақсадида жорий этилди.

Гап шундаки, ташкилотнинг баъзи ходимлари ноқонуний молиявий операциялар ва порахўрликда айбланмоқда.

Янги қоидаларга кўра, хизматчилар БМТнинг раҳбарлик лавозимларида фаолият бошлашдан олдин тўлдириладиган декларацияда нафақат ўзлари, балки яқин қариндошларининг ҳам молиявий аҳволи ҳақида маълумот беришлари шарт.

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2005 йилнинг 22, 25, 29 ноябрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдоларга Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:

— *Ҳусанбоев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,023 га. бўлган ер участкаси.* ***Бошланғич нархи — 1 205 200 сўм.***

— *Ш.Бурҳонов ва Устабоев кўчалари оралиғида жойлашган, сатҳи 0,036 га. бўлган ер участкаси.* ***Бошланғич нархи — 885 600 сўм.***

Шунингдек, савдоларга Тошкент шаҳар, Муқимий 1-тор кўчаси, 9-уйда жойлашган «Асака» ДАТ банки Автотранспорт филиалининг 1996 й. и/ч, д/р 10АХ 362 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси қўйилади. ***Бошланғич нархи — 1 700 000 сўм.***

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар қабул қилиш ер участкалари учун савдодан уч кун аввал, автотранспорт воситаси учун савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Ҳамда объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

Гувоҳнома № 000815

Муносабат

ТУҲМАТ БАЛОСИ

Ҳар тонг эрта саҳар туриб ишга отланаётганимда, уйимиз қаршисидаги осиғлиқ шиорга кўзим тушади: **«Шу азиз Ватан барчамизники. Унинг истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш ҳар бир инсон учун катта бахтдир».** Очиғи, ҳар куни кўравериб бу шиорга кўз ҳам ўрганибди-ю, лекин унинг маъноси ҳақида чуқур ўйлаб кўрмаган эканман. Бир сафар уйимга йиғилган яқинларимни айнан шу масалада гапга тутдим. Шиор ҳақида бошланган суҳбатимиз хориждаги рекламалар хусусидаги баҳсга айланиб кетди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда хориж рекламаларидан кўз қамашади. У томонларда қушнинг тилидан бошқа ҳамма нарса реклама қилинади. Бу рекламалар, табиийки мақталаётган молларни харид қилишга ундайди. Лекин бизнинг кўчаларимиздаги ватанпарварликка ундовчи лавҳалардан кўзланган мақсад нима?

Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, бу шиорларнинг жозибаси олдида ҳалиги хориж рекламалари ниҳоятда ғариб бўлиб қоларкан. Ўзбекистон — бизнинг киндик қонимиз тўкилган юрт, ота-боболаримизнинг хоки ётган Ватан. Унинг истиқболи, ёруғ келажаги учун ҳар биримиз масъулмиз. Демак, юртимизда яшаётган ҳар бир инсон шу мамлакат тақдири учун ўзида жавобгарлик туйғусини ҳис қилиши керак.

Мен ўзбек санъаткориман. Ватанини эъзозлаган, санъатини қадрлаган халқнинг бир фарзанди бўлганим боис бу туйғулар менга бегона эмас. Ҳар гал гастроль сафарлари билан қўшни ўлкаларда бўлганимда, ўзимга бир савол бераман: нима сабабдан бу мамлакатларда концерт ёки тўйларга асосан ўзбек санъаткорларини таклиф этишади? Назаримда, бошқалар билан қиёсланса, миллий санъатимизнинг мавқеи бир поғона юқори. Қаердаки санъатнинг ривожланиши учун зарур муҳит, шароит мавжуд бўлса, ўша мамлакатда санъат юксак равнақ топади.

Бугун қайси давлатда ёш санъаткорлар биздагидек имкониятларга эга? Уларда «шоу-бизнес» деб аталиб, асосан тирикчилик манбаига айланиб қолган соҳага бизда миллат қиёфасини, унинг маданий савиясини белгиловчи энг муҳим омил сифатида қаралмоқда.

Мен бунга франциялик Шарль Азнавурнинг гапларидан сўнг яна бир карра иқрор бўлдим. Яқинда «Шарқ тароналари» фестивалига ташриф буюрган бу меҳмон ёшлигидан Самарқандни кўришни орзу қилгани, бой маданиятимиздан лол қолганини айтганди. Унинг «Шарқ тароналари»да қатнашиб, Ўзбекистоннинг дунёга очиқлиги, санъатга муҳаббати, инсонпарварлиги, тинчликсеварлиги ва меҳмондўстлигига тан бердим», деган сўзлари халқимизга, санъатимизга берилган холисона баҳо эди.

Бугун Юртбошимизнинг **«Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!»** деган ҳикматли сўзлари мамлакатимизнинг ёшларга доир сиёсатининг асосий ғоясига айланди. Бу юксак ғояни рўёбга чиқариш йўлида амалга оширилаётган катта қўламли ислоҳотлар натижасини барчамиз кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Лекин ушбу эзгу даъватларга амал қилмай, аксинча гиёҳвандликка берилаётган, оқ-қорани ажрата олмай юртфурушлар ноғорасига ўйнаётган, миллат шаънига тош отаётганларнинг борлиги биз ёшларни янада ҳушёр ва зийрак бўлишга ундайди.

Кейинги пайтларда газета-журналларда «ахборот хуружи», «сохта маълумотлар», «ғоявий кураш» каби ибораларга дуч келганимда, очиғи у қадар маъносига эътибор қилмасдим. Лекин бир кун келиб ўзим ҳам шундай хуруж нишонига айланиб қолганимда, бўҳтоннинг заҳри қандай бўлишини яққол ҳис қилдим. Бизга қўшни бўлган бир мамлакатнинг баъзи ОАВларида ёзишларича, эмишки «қўшни мамлакатда концерт бериб, уларнинг ҳаётига ҳавас» қилибман. Гўёки «рангли инқилоблардан кейин ҳаёт янада яхшиланади», деганмишман. Очиғини айтай, ўшанда концертга эмас, бир танишимнинг тўйига хизматга боргандим. Тўйда эса, биласизки, асосан бахтли турмуш қураётганларга тилак айтилади, аллақандай инқилоблар ҳақида гапириш ақлга тўғри келадими? Келин-куёвга билдирган бир оғиз ширин тилагимга бу қадар ёлғондан тўн бичиб тарқатиш, билмадим, уларга нега керак бўлиб қолдийкин? Эҳтимол улар ўз «инқилоб»ларини кўз-кўз қилмоқчи бўлишаётгандир. Ёки ёнатрофдагилар бу «инқилоб»га эътибор бермаётгани учун гапирувчиларни ўзлари «яратишяптимикин?».

Туҳмат балосидан асрасин, деган гап бекорга айтилмаган экан. Аллакимлар сизнинг оғзингиздан чиққан бирор гапни ўзи истаганича ўзгартириб, интернетга жойлаштирса бас, уни ўқиганларнинг қарғишига қолаверасиз. Бундайларни бир санъаткорнинг мисқоллаб йиққан обрўси у ёқда турсин, бутун бошли миллатнинг шаъни ҳам қизиқтирмайди.

Такрор айтаман: мен ўзбек санъаткориман. Назаримда, санъаткор бўлиш катта унвон. Бу фахрли унвонни олган инсон аввало, ўз халқига сидқидилдан хизмат қилиши керак. Бу ҳақиқатни англамаган, санъатни пул топиш манбаи деб биладиганлар эса эл назаридан қолиши турган гап. Лекин мени туҳмат билан элга қора қилиб кўрсатишга уринаётган кимсаларга гапим битта: мен учун юзта тўйдан кўра, Мустақиллик байрамида, Наврўз айёмида халқимизга хизмат қилиш минг марта шарафлироқ. Менга долларда тўланган гонорардан кўра, «Ниҳол» мукофоти анча юксак ва қадрлироқ.

2000 йил Мустақиллик байрамида «Отабек куйлайди сизга» деган қўшиғим билан қатнашгандим. Унда шундай сўзлар бор:

«Бу дамлар Оллоҳдан бир неъмат,
Сизга биз, бизга сиз ғаниматсиз».

Демак, бу ғаниматдан ҳеч ким ҳеч ким ҳеч ким

«Қариси бор уйнинг париси бор» танловига

БИР АСР ЮКИНИ ТУТИБ ЕЛКАДА...

Шундай инсонлар борки, бутун умрини ҳалол меҳнатга, одамлар оғирини енгил қилишга бағишлайди. Ҳамиша тўғриликка интилади, ён-атрофдагиларни ҳам шунга даъват қилади. Бундайлар кўнглида доимо яшнаб турғувчи эзгулик дарахти унгандек гўё. 104 ёшни қарши олган бекободлик Ёвбосар бобо МИРЗАБЕКОВ ҳам кўпчиликнинг кўнглини обод этиб яшаётган пиру бадавлат инсонлардан.



Ёвбосар бобо болалигиданоқ меҳнат қилиб яшашга одатланди, одамийлик, меҳнатсеварликни ўзининг ҳаётий шиори деб билди. Ёшлик йиллари ҳар хил оғир-енгил юмушларни бажарди, деҳқончилик билан шуғулланди. Билаги кучга тўлган навқиронлик даврида колхозлаштиришнинг оғир кунларини бошдан кечирди. Ўша йиллари Зоминдаги қишлоқлардан Ховосга буғдой, пахта олиб келинар, ғайрати жўш урган йигит эса бундай юмушларни завқ билан бажарарди.

Ёвбосар бобо Мирзабеков 30-йилларга келиб чўл ва даштларни ўзлаштиришда иштирок этди. У ўзи тенгилар билан Боёвут даштларида меҳнат қилди, пахта, шоли экиб, деҳқончиликнинг обитобини ўрганди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида «Фарҳод» каналини бунёд этиш ишлари авж олган эди. Ёвбосар бобо Мирзабеков канал қазишда чинакам йигитларга хос меҳнат қилди. Кейинчалик у Каттақўрғон сув омбори қурилишида ҳам қатнашди.

Бобонинг шундан кейинги бутун фаолияти ўрмон хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ. Маълумки, Бекобод шамолли минтақада жойлашган бўлиб, бу худудда айниқса, йилнинг баҳор ва куз фаслларида тинимсиз шамол эсиб туради. Табиийки, бундай шароитда шамолнинг қаршилигини енгиш учун ихотазорлар барпо этиш зарурати туғилади. Ёвбосар бобо ана шундай дарахтзорлар яратиш ташаббускорларидан бири бўлганини бугун кўпчилик яхши эслайди.

Отахон кексайган чоғларида ҳам ўрмон хўжалиги соҳасида тиним билмай ишлади. Маҳалладаги турли ҳашарлар унинг иштирокисиз ўтмасди. Ҳозир Бекобод шаҳрининг «Ўрмон хўжалиги» маҳалласида истиқомат қилаётган Ёвбосар ота 104 ёшда бўлсалар ҳам, ғайратини кўриб ҳайрон қоласан киши. Доимо юзларидан нур ёғилиб турувчи отахон ҳаётдан мамнун, ҳеч нарсадан нолимайди. Ҳар гапида шу кунларга етказгани учун Яратганга шукроналар айтади.

Ёвбосар бобо ҳар куни набираларини ёнига олиб, ўрмон четидаги молларидан хабар олади. Елкасига кетмон ташлаб, тонг саҳарлаб боққа чиқади, узумзорга, мевали дарахтларга қайта-қайта ишлов беради.

— Узоқ умр кўришнинг сири нимада? — дея саволга тутаман отахонни.

— Тўғрилик ва ҳалолликда, — дейди бобо. — Умрим давомида бировга хиёнат қилмадим. Тўғри, ҳалол яшадим, ҳасад нималигини билмадим. Очиғини айтсам, болам, юз йилдан ортиқ яшайман деб сира ўйламагандим. Менимча, ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ. Шу кунларда ҳам бир кун ишламасам ёки мол-ҳолдан хабар олмасам, ниманидир йўқотиб қўйгандек бўламан. Эрта туриб ўзим эккан боғларни кўздан кечираман. Мевазорларни кўрсам ҳузур қиламан. Узоқ яшашимга мана шу боғ-роғлар, ямяшил табиат ҳам сабабчи бўлса керак.

Яна бир гапни айтай. Одам нафсидан сақланиши керак. Нафс — соғлик душмани, деган улуғлар. Умрим давомида ичишга, чекишга одатланмадим. Кўпроқ очиқ ҳавода юришни хуш кўраман. Меҳнат қилсам завқланаман, баҳри-дилим очилади.

Бугун пиру бадавлат бу инсон фарзандлари, маҳалладошлари эъзозида. Отахон невара-чеваралари йиғилган давраларда уларга панду насиҳат қилар экан, бир ҳикматни кўп такрорлайди:

«Алифдай тўғри бўлсанг, бахт-омад ёрдир сенга,
Ўроқдай эгри бўлсанг, кўп бало бордир сенга».

Ёвбосар бобо умр йўлдоши, раҳматли Кумуш момо билан 5 фарзандни тарбиялаб элга қўшди. Уларнинг барчаси ўқимишли, халқ хизматида. Тўнғичи Отамурод 40 йил ҳайдовчилик қилди, ўртанча ўғли Отабек эса ота изидан бориб, ўрмончилик касбини танлади. Кенжаси Нишонбой Сирдарё «ГРЭС»ида муҳандис. Қизлари Хосият ва Гавҳаройлар ҳам ўзларидан тинчиб, уйли-жойли бўлиб кетишган. Улар ана шундай асрни қаритган пиру бадавлат оталари борлигидан фахрланадилар.

Ҳозир отахоннинг эвараю чеваралари бир тўпланиб келишса, бу хонадон тўйхонага айланиб кетади. 60 га яқин невара-чевараларни кўриш қувончи ҳаммага ҳам насиб этавермайди-да, ахир. Қаҳрамонимиз Ёвбосар бобо ана шундай бахтга муяссар бўлган инсон. Зеро, одамзот учун фарзанд меҳри, эл ишончидан ортиқроқ мукофот йўқ, бу дунёда.

Умрнинг кўп узун йўллари аро
Эзгулик дарахти яшнаб туради.
Меҳр деган неъмат ўлмагай асло,
Боқийлик нигоҳин ташлаб туради.

Бир аср юкини тутиб елкада,
Янги довонлардан ўтмоқ осонмас.
Шундайлар бор бўлсин бизнинг ўлкада,
Ҳар уйда бир «пари» ҳаёт бўлса бас!

Ашурали БОЙМУРОД

Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар.
Абдурасул ПАРДА олган суратлар.

Тошкент Фармацевтика институтида «Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммолари» мавзуида халқаро илмий амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда республика доришунос олимларидан ташқари Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатларидан келган таниқли мутахассислар ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари ва чет эл фирмалари ваколатхоналари ходимлари иштирок этдилар.

ФАРМАЦЕВТИКА ТАРАҚҚИЁТИГА БАҒИШЛАНДИ

Анжуман қатнашчилари 6 та секцияга бўлиниб, ўз ишларини давом эттирдилар. Биринчи секцияда ахборот коммуникациялари технологияси ва фармацевтик таълимга оид маърузалар, иккинчисида янги дори воситаларини яратиш, учинчи секция саноат фармациясининг муаммолари бўйича, тўртинчи секция фармациядаги маркетинг ва менежмент, бешинчисида эса дори воситаларининг сифатини назорат қилиш, стандартлаш ва сертификатлаш масалалари ва ниҳоят, олтинчи секцияда клиник фармакологияга оид маърузалар эшитилди.

Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқариш уйғунлиги, Ўзбекистондаги фармацевтик бозор муаммолари ва истиқболлари, клиник фармацевт тайёрлаш, маҳалилй хомашёлар асосида дори-дармонлар яратиш, дори воситалари субстанцияси ва дори шаклларининг технологиясини такомиллаштириш, сифатини назорат қилиш ва стандартлашнинг замонавий усулларини жорий этиш каби масалалар бўйича эришилган ютуқлар, изланишлар жараёнидаги айрим муаммоларни ҳал этиш усуллари ҳақида фикр алмашилди.

Маълумки, мамлакатимизда фармацевтика соҳасидаги ягона олий даргоҳ ҳисобланган институтимизда Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби буюк олимлар анъаналари давом эттирилмоқда. Институтдаги илмий изланишлар фармация бозорини яхшилаб ўрганиб, аниқ масалаларни ҳал этишга қаратилган. Асосий эътибор маҳаллий табиий ва минерал хомашёлар асосида дори-дармонлар яратиш, уларни саноат миқёсида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва тиббиётга жорий этишга йўналтирилган.

Мустақиллик йилларида институт кафедраларида фаолият кўрсатаётган кимёгарлар, технологлар, фармакологлар, иқтисодчилар бир ёқадан бош чиқариб, юқорида айтилганидек, аниқ мақсадларни кўзлаб изланишлар олиб бормоқдалар. Бу борада Республика фан ва технологиялар маркази ва ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик, шунингдек институт таркибида ташкил этилган ноёб замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган «Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази» муҳим аҳамият касб этмоқда. Фақат охирги йилларда институтда 72 миллион сўмлик 12 та илмий-техникавий ва инновация дастурлари асосида изланишлар олиб борилди. Юқорида қайд этилган илмий марказ нафақат республика миқёсида, балки АҚШ, Ҳиндистон, Россия, Австрия ва Покистондаги дори ишлаб чиқариш компаниялари билан шартномалар асосида уларда яратилган дори воситаларини стандартлаш, меъёрий техника ҳужжатларини яратиш соҳасида қарийб, 100 миллион сўмлик илмий ишларни бажарди. Бундай илмий салоҳият институтнинг рақобат бардошлигини ошириб, моддий-техник базасини янада юксалтиришга имкон бермоқда.

Икки кун давом этган илмий анжуманда 8 та умумий ва 94 та қисқа маъруза тингланиб, муҳокама қилинди.

Халқаро илмий анжуман, республикамизда фармацевтика фанини янада тараққий эттиришда муҳим ўрин тутади.

Собир АМИНОВ,
Тошкент фармацевтика институти кафедра мудири, профессор

Халқаро анжуман

Болалар спорти



ТЎРАҚЎРҒОНДА БАДИИЙ ГИМНАСТИКА МАКТАБИ

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани марказида бадиий гимнастика мактаби фойдаланишга топширилганига ҳам кўп бўлгани йўқ.

— Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят филиали ҳамда туман ҳокимлиги саъй-ҳаракатлари билан барпо этилган ушбу спорт саройида ҳозир 100 нафардан зиёд қизларимиз ўз маҳоратини оширмоқда. Дастлаб иш бошлаганимизда кўнглимизда бироз ҳадик бор эди, — дейди бадиий гимнастика мактаби директори Гулшодахон Собирова. — Чунки бир вақтлар бу спорт тури билан асосан шаҳарларда шуғулланишган, қишлоқдаги ота-оналар қизларини мактабимизга беришармикин, дея хавотирлангандик. Иш бошлангач эса янглишганлигимизни билдик. Бугун Тўрақўрғонда спортнинг бу нафис турига қизиқиш шаҳардагидан қолишмайди. Ҳозирда мактабимизда Латофат Муҳаммаджонова, Гулмира Жўраева, Шаҳноза Нўъмонова сингари малакали мураббийлар қизларга бадиий гимнастика сирларини ўргатишмоқда.

Яқинда ушбу даргоҳ ўқитувчи-мураббийлари мутахассислар билан ҳамкорликда яна бир хайрли ишга қўл уришди. Мазкур бадиий гимнастика мактабида ногирон қизалоқлар учун ҳам алоҳида соғломлаштириш гуруҳлари очишга келишиб олинди. Чунки спортнинг бу тури тана ҳаракат-таянч аъзолари жароҳатланганларга шифо бахш этиш хусусиятига ҳам эга. Айни пайтда бу ерда махсус тиббий-соғломлаштириш дастури ишлаб чиқиш, зарур услубий қўлланмалар тайёрлаш чоратика қизимга ҳам ёқиб қолди. Келажакда ундан умидим катта. Қизим, балки келгусида машҳур спортчи бўлмас, лекин у соғлом бўлиб вояга етсин, дейман-да...



Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

Газетанинг навбатдаги сони 25 октябрь, сешанба куни чиқади.

Интер-спорт

БОШ МУРАББИЙ ЎЗ ЎРНИДА ҚОЛАДИ

Россия терма жамоасининг бош мураббийи Юрий Семин ўзи ҳақидаги «гўёки лавозимидан кетармиш» деган гапсўзларга нуқта қўйди.

— Мен ҳозирча бош мураббий лавозимини тарк этиш ҳақида ариза берганим йўқ, — дейди Юрий Семин. — Аксинча Россия футбол уюшмаси президенти Виталий Мутко билан келишилган ҳолда ўйлаб кўриш учун муддат олиб, октябрь ойи охиригача мамлакат миллий жамоасининг келажаги ҳақида бир қарорга келишимни айтганман.

Эслатамиз: Юрий Семин жаҳон чемпионати саралаш учрашувларининг ўрталарида Россия терма жамоасига келган. Унинг раҳбарлигида жамоа бир қатор натижаларга эришди. Лекин асосий мақсадига етиша олмади. Ўтган чоршанба куни Россия футболчилари сафарда Словакия жамоаси билан учрашувда жаҳон чемпионати финалига йўлланма олиш имкониятини бой берган.

«СОВУТГИЧ» ЁТҲЖ

Глицерин асосида ишлаб чиқарилган, коррозияга қарши махсус қўшимча қўшилган ва барча турдаги автомобиллар ички ёнув двигателларини совутиш учун мўлжалланган юқори сифатли «АНТИФРИЗ ГА-39»ни чекланмаган миқдорда сотади.

Манзил: Тошкент ш., Учтепа тумани, Ҳалқа йўли, саноат зонаси. «Равшан» автокорхонаси ичида жойлашган.

Тел.: 397-53-45, 397-03-06.

Ўзбекистон Миллий университетининг «Дифференциал тенгламалар» кафедраси мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор **Сафар АБДУНАЗАРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

Сурхондарёлик бир гуруҳ олимлар

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
Email: uzbovozi@sarkor.uz

Navbatchi: Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 755
6558 nusxada bosildi
1 — Тижорат материали
O`zA yakuni — 20.30
Topshirish vaqti — 21.00
1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda